

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АБДУШУКУР ХАМИДОВИЧ

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АРХИВ ФАОЛИЯТИНИ
АХБОРОТ-ҲУЖЖАТЛИ ВА МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ
УСУЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.09 – Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АБДУШУКУР ХАМИДОВИЧ

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АРХИВ ФАОЛИЯТИНИ
АХБОРОТ-ҲУЖЖАТЛИ ВА МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ
УСУЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.09 – Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

Абдуллаев Абдушукур Хамидович

Давлат ташкилотларининг архив фаолиятини ахборот-хужжатли ва
метрологик таъминлаш усуллари, моделлари ва
алгоритмлари.....3

Абдуллаев Абдушукур Хамидович

Методы, модели и алгоритмы информационно-документационного и
метрологического обеспечения архивной деятельности
государственных
организаций.....29

Abdullaev Abdushukur Khamidovich

Methods, models and algorithms of information-documentation and
metrological support of archival activities of state organizations.....55

Эълон қилинган ишлар рўхати

Список опубликованных работ
List of published works.....61

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13./30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АБДУШУКУР ХАМИДОВИЧ

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АРХИВ ФАОЛИЯТИНИ
АХБОРОТ-ҲУЖЖАТЛИ ВА МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ
УСУЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.09 – Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида _____ ракам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Илом Каримов номли Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.dtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи:

Ахмедов Барат Махмудович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Сайдов Абдусобир Абдурахмонович
техника фанлари доктори, профессор

Каримов Маджит Маликович
техника фанлари доктори, профессор

Михаил Василевич Ларин
тарих фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялар университети хузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 ракамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: _____, Тел/факс: _____, e-mail: _____).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: _____, Тел: _____.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди. (2022 йил «___» _____ даги _____ ракамли реестр баённомаси).

Б.Ш. Маҳкамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, DSc., профессор

Э.Ш. Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А. Раҳматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда шиддатли ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни, интенсив иктисодиёт, жамиятнинг ахборотлашуви, ахборот-хужжатли оқимлар ва ресурсларнинг тобора кенгайиб бориши, шунингдек архив хужжатлари кидируви архив ишини жадал суръатларда ривожлантиришга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда архив ресурсларини сифатли ва хавфсиз сакловини ҳамда ишончли тақдим этилишини таъминлаш, архив хужжатларининг тарихий-архив аҳамиятини баҳолаш алгоритмларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларини тўлиқ бажариш бўйича замонавий усуллар ва моделларни яратиш дунё микёсида энг долзарб масалалар даражасига кўтарилган. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари муҳим омил бўлиб, инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборотлаштириш, жумладан рақамли иктисодиётга ўтиш ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, электрон архивларнинг ресурс базаларини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда архив фаолиятини ахборот-хужжатли ва метрологик таъминлаш усуллари, моделлари ва алгоритмларини такомиллаштириш (яратиш) борасида хужжатларнинг автоматик кидируви ва тақдим этиш тизимларини яратиш, турли шаклдаги ва жисмоний асосдаги хужжатларни рақамлаштириш, сўниб бораётган матнли хужжатларни қайта тиклаш, архивлар соҳасида мақсадли интеграция жараёнларини амалга ошириш бўйича устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида бир вақтда бир нечта давлатлардаги йирик электрон архив фондлари устида масофавий алоқаларни ташкил қилиш, архив хужжатларини тақдим этишга нисбатан вақт ва сифат талабларини кескин кучайиши, архивлардаги мегажараёнларни комплекс автоматлаштириш, архив ресурсларини сифатли ва хавфсиз сакловини ҳамда ишончли тақдим этилишини таъминлаш, архив хужжатларининг тарихий-архив аҳамиятини баҳолаш даражасини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларини тўлиқ бажариш бўйича замонавий усуллар ва моделларни яратиш, инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш, шу жумладан рақамли иктисодиётга ўтиш ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, электрон архивларнинг ресурс базаларини ривожлантириш каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнги 5 йиллик даврда барча соҳаларда, шу жумладан архив соҳасида ҳам амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, айниқса ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг энг самарали усулларини қўллаш, бу билан боғлиқ вақт сарфини ҳамда хизмат кўрсатиш циклини кескин қискартириш, интерактивликни таъминлаш юқорида кайд этилган масалаларнинг долзарблигини янада кучайишига туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, жумладан «ахборот-коммуникацияси технологияларини иктисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарувда тадбиқ этиш» ва «аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган давлат хизматларини самарадорлигини, сифатини ва қулайлигини ошириш» вазибалари алоҳида белгиланган. Мазкур вазибаларни амалга оширишда архив ресурсларини хавфсиз ва ишончли сақланишини таъминлаш, улардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, шу билан бир қаторда, архивларнинг масофавий режимда ишини ташкил этиш ва интерактивликни таъминлаш, энг муҳим масалалардан ҳисобланиб, бунда автоматлаштирилган ахборот тизимларининг замонавий усуллари, моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иктисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4463-сон Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Архив соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини, автоматлаштириш тизимларини такомиллаштириш, архив ишини бошқариш назариясининг илмий ва амалий асослари, соҳага оид масалаларни ҳал этишга қаратилган самарали усуллар, алгоритмлар, дастурий таъминот, шу жумладан архив фондларини рақамлаштириш ишлари, ишланмалар ва изланишлар дунёнинг, жумладан қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлири томонидан амалга оширилмоқда: Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Россия давлат гуманитар университети, Россия технология

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <https://elibrary.ru>, <https://link.springer.com>, <https://bibloidy.ru/>, <https://ebSCO.com>, <http://sif.vniidad.ru/>, <https://blog-ica.org/>, www.ica.org, <http://www.promix.ru>, <http://vistaros.ru>, <https://www.nivus.de>, <https://www.go-sys.de/en>, <http://www.cvoqua.com/ru/>, <http://www.seres-france.com/ru/>, www.asucontrol.ru, www.sial.ias.spb.su, <http://www.ipu.ru>, <http://cyberleninka.ru>, <http://izv-ti.sfedu.ru/?p=21073>, <http://terraelectronica.ru>, http://uk.farnell.com/static/findings/DF10/findings10_aducs.htm, https://books.google.ru/books/about/Optimum_systems_control.html, https://books.google.ru/books/about/System_identification.html ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

университети, Москва физика-техника институти, Петербург давлат алоқа йўллари университети, Красноярск космик ва ахборот технологиялари институти, Тула давлат университети, Томск давлат бошқариш тизимлари ва радиоэлектроника университети (Россия), Калифорния университети марказлари ва лабораториялари, Princeton University, State University of New York, Princeton University, State University of New York, Stanford University, University of Texas at Austin, University of Oklahoma, University of Science and Technology (AQSH), Берлин миллий университети, Мюнхен университети (Германия), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.

Жаҳонда архив жараёнларини автоматлаштириш, ҳужжатларни сифатли ва хавфсиз сақловини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар бўйича, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: архив ҳужжатларини қидириш, архив хизматлари сифатини ошириш бўйича бир қатор компьютер дастурлари ва архив жараёнларини бошқариш тизимлари яратилган (AQSH миллий архиви ва ҳужжатлаштириш маркази (NARA)да «Электрон ҳужжатлар архиви –ЭХА тизими», Пруссия ва Бавария (Германия) хартиялар мактаблари, Бутунроссия ҳужжатшунослик ва архив иши илмий-тадқиқот институти (ВНИИДАД)да Архив автоматлаштирилган ахборот тизими -АИС АРХИВ); ҳужжатларнинг электрон образлари репозиторийини заҳиралаш тизимига эга махсус электрон ҳужжатлар архивлари яратилган (Жанубий Корея Миллий архиви, Беларус Республикаси ҳужжатшунослик ва архив иши илмий-тадқиқот институти (БелНИИДАД)); китоблар ва архив ҳужжатларини рақамлаштириш ва сўниб бораётган матнларни тиклаш (Туркия миллий архиви), интеллектуал бошқарув тизимлари бўйича синов натижалари асосланган (Москва автомобиль йўллари институти, Красноярск космик и ахборот технологиялар институти, Россия Федерацияси); объектларни кўп даражали норавшан мантқили регуляторлар билан бошқарув тизимлари ишлаб чиқилган (Puerto Rico University, Пуэрто-Рико; Pamukkale University, Туркия; Mohammadia School of Engineers, Марокко; University of Nevada, AQSH).

Жаҳонда архив соҳасига автоматлаштириш тизимларини такомиллаштириш, архив ишини бошқаришнинг илмий-методологик асосларини модернизациялаш борасида архив соҳасига асосан ҳужжатларни тарихий кадрият нуқтаи назаридан сақлаш объекти сифатида қаралиши, архивларда рақамлаштириш ва ҳужжатларнинг электрон базаларини яратилиши, давлат архивларида иш жараёнларини бошқаришда автоматлаштирилган иш ўринларини яратиш, электрон ҳукумат доирасида давлат муассасаларини бошқаришнинг замонавий усулларини такомиллаштириш йўналишида кенг камровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада стандартлаштириш ва метрология соҳалари негизида давлат назорати ва ушбу назорат объекти сифатида архив соҳасидаги фаолиятни комплекс автоматлаштириш, архив жараёнлари учун формаллаштирилган эксперт усулларини ишлаб чиқиш ва

метрологик таъминот масалаларига бағишланган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмокда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Архив соҳасидаги автоматлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган тадқиқотларга оид сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётларнинг, хусусан Lisa Beber, Rui Pedro Marques, Wilson, Lepleg, M.H. Jared Keller, Mamdani E., Satoshi Nakamoto, Е.Стрюков, Виктория Лемьё, А.Бакшаев, М.В.Ларин, М.Н.Костомаров, Т.С.Кабочкина, В.Н.Гармаш, О.И.Рисков, В.И.Тихонов, О.А.Михалков, Н.Храмцовская, А.А.Фанасьев, М.С.Угаров, А.В.Шабалов, А.С.Кузьмичева, В.С.Жиганова, Г.М.Тростянский, А.Риндин, шунингдек маҳаллий мутахассис-олимларимиз И.А.Алимов, М.А.Рахматуллаев, М.С.Исакова, М.Д.Абдурахимов, М.М.Эргашева, Д.А.Заитова, В.Эргашев ва А.Б.Бутаевлар тадқиқотларининг таҳлили нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бир катор хорижий мамлакатларда ҳам ушбу йўналиш кам ўрганилганлигини кўрсатмокда. Буларнинг барчаси архив хужжатларини шакллантириш, сақлаш ва улاردан фойдаланишнинг асосий босқичлари ва жараёнларини чуқурроқ ўрганишни, архив хужжатларини сақлашнинг мақбул шароитларини яратиш ва таъминлашни, архив соҳасидаги фаолиятни автоматлаштириш ва бошқаришнинг индивидуал элементларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади.

Хозирги вақтларда Тошкент ахборот технологиялари Университетида, Тошкент давлат техника университетида, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архивида (ИТТХ МА) илмий-техниканинг замонавий ютуқларидан, шу жумладан алгоритмик бошқариш усуллари ва воситаларидан ҳамда сунъий интеллект назариясидан фойдаланган ҳолда давлат архив муассасасини бошқаришнинг янги тамойилларига асосланган, архив фаолиятини автоматлаштиришнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш муаммолари устида иш олиб борилмокда.

Шу билан бирга, илмий нашрларда ва адабий манбаларда архив фаолиятини автоматлаштириш масалалари етарлича кўриб чиқилмаган, шу билан бирга архив соҳасида метрологик таъминот масалалари давлат назорати объекти сифатида умуман кўрилмаган.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №0.80.02 – «Узлуксиз ва технологик объектлар учун иерархик кўп даражали бошқарув тизимларини таҳлил қилиш ва синтез қилишда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун дастурий-алгоритмик қўллаб-қувватланадиган ақли тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади давлат ташкилотларининг архив фаолиятини ахборот-ҳужжатли ва метрологик таъминлаш усуллари, моделлари ва алгоритмларини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқшдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

архившуносликнинг назарий муаммоларини, предметини, моҳиятини ҳамда аҳамиятини, шунингдек бошқа илмий фанлар тизимида тутган ўрнини тадқиқ этиш;

архив иши жараёнларини автоматлаштириш ва уни метрологик таъминлаш бўйича ишларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва тадқиқотларни ўтказиш;

архив фаолиятидаги жараёнларни кузатиш, назорат қилиш ва бошқариш учун замонавий кўп функцияли микропроцессорли қурilmалар ва датчиклардан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган тизимлар комплексининг функционал тузилмасини ишлаб чиқиш;

архившунослик ва метрологиянинг илмий ва амалий масалалари ўртасидаги муносабатларни ўрганиш;

архив соҳасини давлат метрология назорати объектларига киритиш асосларини ишлаб чиқиш;

техник регламентларни архив амалиётига жорий этиш асосларини ишлаб чиқиш;

ҳужжатлар қимматлилигини экспертизадан ўтказиш жараёнларида ранжлаштириш ва шкалалашни қўллашнинг стандартлаштирилган усуллари, моделлари, алгоритмлари ва мезонларини ўрганиш;

архив ҳужжатларини сифатли ва хавфсиз сақлашни таъминловчи автоматлаштирилган тизимлар комплексини ишлаб чиқиш

архив сақловидаги алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларни рақамлаштириш усуллари ишлаб чиқиш;

ҳужжатлар қимматлилигини баҳолашда экспертларнинг ахборот компетентлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объектини архив иши, архив ҳужжатларини хавфсиз ва сифатли сақлаш тизимлари, архивлар соҳасида метрологик назорат ва текширувлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети архивлар фаолиятини автоматлаштириш тамойиллари ва усуллари, архив иши соҳасида метрологик таъминлаш, метрологик текширув ва назоратини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли таҳлил, стандартлаштириш, ўлчашлар назарияси, ўлчаш жараёнлари ва асбоблари, баҳолаш ва эксперт усуллари, автоматик бошқариш, филтрлаш ва оптималлаштиришнинг умумий методологиясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳужжатларнинг ҳаётий циклини архив фаолиятидаги сегментини комплекс автоматлаштиришнинг ягона техник платформага интеграция қилинувчи, идоравий сақловдаги ҳужжатларни жамлаш ва қайта ишлаш,

уларни архив фондларида излаш, архив технологияларини автоматлаштириш ва қарор қабул қилиш, шу жумладан ҳужжатларни ҳисобга олиш ва хавфсиз сақлаш қўйи тизимларидан иборат функционал тузилма ишлаб чиқилган;

архив ҳужжатларини тартибга келтириш, доимий сакловга ажратиш ҳамда фондларни шакллантиришга оид жараёнларни формаллаштириш ва миқдорий баҳолаш, шу жумладан архивлар соҳасида ўлчашларнинг ишончилигини ва бирлигини таъминлаш бўйича «Архившунослик» ва «Метрология» илмий фанларининг умумий масалаларини ҳал этиш бўйича ўзаро боғланган назариялар тизими кўринишида алоҳида фан тармоғи сифатида қаралувчи «Архивометрия» йўналишини киритиш илмий асослаб берилди;

архив ҳужжатларининг қимматлилигини аниқлаш жараёнига ранжлаштириш ва шкалалаш усуллари қўллаш асосида экспертиза қилиш алгоритми ишлаб чиқилиб, эксперт баҳолаш натижаларида субъектив омилларни бартараф этишга, шунингдек архив ҳужжатларини сифатсиз тартибга келтириш ва нотўғри утилизация қилишдан ишончли химояси яратилган;

архив ҳужжатлари қимматлилигини экспертизадан ўтказиш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари даражасини интеграллашган баҳолаш ҳамда баҳолаш натижаларини эгри чизикли таксимот графиклари шаклида тақдим этиш асосида мутахассисларнинг ахборот компетентлигини автоматлаштирилган баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

архив сакловхоналаридаги иқлим шароитларини таъминлаш жараёнларини кўпфункционали микропроцессор қурилмалари ва сенсорли датчиклардан иборат бўлган ўлчаш-ахборот тизимлари асосида бошқариш, шунингдек архивларнинг ҳолати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш ахборот тизимларининг интеграциясидан ташкил топган комплекс тизим яратилган;

архив ахборот ресурслари электрон базаларини таксимланган архитектурада сакловчи блокчейн технологияларини жорий этиш орқали архив ахборот ресурсларининг бутлигини ҳамда тақдим этиладиган маълумотларнинг манбалари ишончилигини таъминлаш, шунингдек айнан шу маълумотлар асосида давлат хизмати кўрсатувчи ташкилот ва идораларнинг ягона занжирли тизимдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва ахборот алмашувидан иборат техник жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

архивлар фаолиятини комплекс автоматлаштириш функционал тузилмасининг архивлар асосий фаолиятини автоматлаштириш, электрон ҳужжатлар ресурсларини яратиш, архив ҳужжатларининг қидирувини автоматлаштириш ва йиғма электрон каталогни шакллантириш бўйича қўйи тизимларининг дастурий маҳсулотлари ишлаб чиқилган;

архив хужжатлари кимматлилигини экспертизадан ўтказиш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг ахборот компетентлигини энг максимал ва минимал қийматларини математик ифодаси ҳамда график шакли олинган;

архив хужжатларини хавфсиз сақлови бўйича кўпфункционали микропроцессор қурилмалари ва сенсорли датчиклардан иборат бўлган «Ақли архив» кўп функционал тизими яратилган;

архившунослик фанига қонулаштирувчи метрология меъёрлари ва қондаларини татбиқ этиш принципларини киритиш ҳамда давлат метрологик назорати ва текшируви остида бўлган фаолият соҳалари қонунчилик хужжатлари рўйхатига ушбуга оид ўзгартириш бўйича асослар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти архив ишини автоматлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, архив ходими учун автоматлаштирилган иш жойларини яратиш, архив хужжатларини сақлаш ҳолатининг хавфсизлигини ва сифатини баҳолаш тамойиллари ва бошқариш усуллари, архив соҳасидаги фаолиятни давлат назорати ва текшируви объектига киритиш учун асосли ишланмалардан, шунингдек, дастурий маҳсулотлар, объектлар параметрларини бошқариш учун сенсорлар ва архивлар фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўрсатилган асосий қондалар тузилмани олдиндан танлашга, иш диапазонини аниқлаб олишга, архив фаолияти соҳасидаги миқдорий ва сифат параметрларининг асосий назорат элементлари ҳолатини баҳолашга, шу жумладан архив хужжатларини хавфсиз ва сифатли сақлашга қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, уларнинг сўровлари ва тадқиқотчиларга архивларнинг ўқув залларида хизмат кўрсатишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот ишида олинган натижалар куйидаги архив фаолияти жараёнларига, шунингдек таълим тизими ва персонални бошқариш тизимларига жорий этилган:

илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви фаолиятига архив хужжатларини излаш ва архивларнинг асосий фаолиятини автоматлаштириш, тезкор кидирувни, шунингдек архив хужжатларини сақлаш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича архив фаолиятини комплекс автоматлаштиришнинг функционал тузилмасига мувофиқ ишлаб чиқилган куйи тизимлар жорий этилди (Ўзархив агентлиги 2020 йил 12 октябрдаги 01-826/1111-сон маълумотномаси ва тегишли далолатномалар). Жами иккисодий самарадорлик кидирув тизимида -350 млн.сўм, автоматлаштиришда - 765 млн.сўмни ташкил этиб, фуқароларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини 70% га оширишга эришилган;

Миллий ва Марказий давлат архивларида ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг техник марказида алоҳида кимматли хужжатларнинг электрон суғурта фондиди яратиш ва юритиш бўйича ишлаб чиқилган яхлит тизим ва рақамлаштириш қурилмалари жорий этилди (Ўзархив агентлигининг

2022 йил 13 апрелдаги 01-26-04 /485-сонли маълумотномаси). Ушбу тизим ва қурилмалар архив ва қутубхона фондларида мавжуд бўлган алоҳида қимматли ноёб ҳужжатларнинг рақамлаштирилган нусхаларини, шунингдек уларнинг суғурта фондларини яратиш ишларини қайта тиклаш ва давомли шакллантириш имкониятини яратиб берди². Амалдаги иқтисодий самарадорлик 63 минг АҚШ доллари ва 324 миллион сўмни ташкил этган;

Кадастр агентлиги ҳузуридаги “Ўздаверлойиха” ДИЛИда масъул ходимларнинг амалий кўникмалари ва назарий билимларини комплекс баҳолаш бўйича методика жорий этилган (Кадастр агентлигининг 2021 йил 24 январдаги 103-08-10-2-сонли маълумотномаси). Мазкур методикани жорий этилиши натижасида ташкилот тизимидаги кадрлар кўнимсизлиги 2,1 баробарга қисқарган;

5521600 – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” ва 5524300 – “Махсулот сифатини бошқариш”, 5520300 – “Архившунослик” мутахассисликлари бўйича бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим стандартларини, шунингдек, “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”, “Метрология асослари”, “Услуглар ва ўлчаш воситалари”, “Ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш”, “Физик-кимёвий ўлчовлар” фанлари бўйича маъруза матнларини ишлаб чиқишда диссертация иши доирасида ишлаб чиқилган илмий-методик қўлланмалардан бевосита фойдаланилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 12-октябрдаги 89-03-5181-сон маълумотномаси). Илмий натижалар “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”, “Метрология асослари”, “Услуглар ва ўлчаш воситалари”, “Ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш”, “Физик-кимёвий ўлчовлар” фанларининг илмий-методик таъминотини бойитишга хизмат қилган;

илмий натижалар архив фаолияти жараёнларини кенг автоматлаштириш, миқозларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш, архив соҳасида жорий этилаётган тизимларни давлат электрон ҳукумат тизими билан уйғунлаштириш, шунингдек архивлардаги иқлим параметрларни автоматик назорат қилиш орқали ҳужжатларнинг сифатли ва хавфсиз сакловини таъминлаш имкониятини берган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви ҳамда Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида жорий этилган дастурий махсулотларнинг йиллик иқтисодий самарадорлиги архивлардаги иқлим параметрларни автоматик назорат қилишдан 765 млн сўмни, ходимларнинг масофавий малакасини оширишдан 4705 млн.сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари юзасидан 41 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 27 та халқаро ва 14 та республика илмий-техник конференцияларида маърузалар қилинган.

² Алоҳида қимматли, ноёб ва нодир ҳужжатлар суғурта нусхаларини яратиш ишлари сўнгги 30 йиллик мобайнида марказий давлат архивларидаги қурилмаларнинг маънавий ва жисмоний эскирганлиги сабабли тўхтаб қолган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши тадқиқотлари доирасида 78 та илмий ишлар, жумладан 1 та монография, 19 та журнал мақолалари, шунингдек докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 9 та республика журналларида, 5 хорижий журналларда чоп этилган ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлиги томонидан 5 та дастурий таъминот рўйхатдан ўтказилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация бешта боб, хулоса, шартли белгилар ва қўшимчалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий материаллари 223 бетда, 54 расм, 7 жадвал, 304 номдаги библиография ва 8 та иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ҳал қилинаётган муаммонинг долзарблиги ва диссертация мавзусининг муҳимлиги асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, илмий янгилик ва амалий тадқиқотлар натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишни апробация қилиш натижалари, шунингдек эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши берилган.

Диссертациянинг биринчи «**Архив фаолиятини автоматлаштириш усуллари ва воситалари ҳолатининг таҳлили**» боби учта бўлимдан иборат бўлиб, мустақиллик даврида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Бунда, архив ишини ривожлантириш уч босқичда кўриб чиқилган булиб, бунда ривожланишнинг ҳар бир босқичига хос бўлган архив фаолияти қонунчилигидаги ислохотлар кўриб чиқилган.

Архивларда автоматлаштириш ва ахборотлаштириш йўналишида алоҳида тадқиқотлар 90-йилларнинг бошларида М.Н. Костомаров, Т.С. Кабочкина, В.Н. Гармашлар томонидан амалга оширилган бўлиб, уларнинг натижалари катта аҳамият касб этади. Шунингдек, О.И.Рисковнинг АҚШ, Буюк Британия архивларининг электрон ҳужжатлар билан ишлаш тажрибаларини ўрганиш қисми, В.И. Тихоновнинг - уларнинг сақланишига кўра, О.А. Михайловнинг – ҳужжатларни жамлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишга оид муаммолари тўғрисидаги хулосалари ўрганиб чиқилган, ҳамда таҳлил қилинган.

Тадқиқотларда электрон ҳужжатлар соҳасида олиб борилган ишлар, айниқса архив иши ва ҳужжатли бошқарув соҳасида таниқли олим В.М.Лариннинг тадқиқот мактаби натижалари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 2002 йилгача архив ишларини автоматлаштириш асосан аксарият архив процедуралари кутубхонашуносликка монандлигидан келиб чиқиб амалга оширилган. Ушбу йўналишда М.А.Рахматуллаев, У.Ф.Каримов, А.Ш.Мухамадиев, Ж.Атажанов ва М.П.Савочкинларнинг илмий натижаларини таъкидлаш лозим. М.А.Рахматуллаевнинг илмий ишлари кутубхона ва архив фаолиятини автоматлаштиришни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, натижада «КАРМАТ-М», «Йиғма электрон каталог», «UZMARC» ва бошқа тизимлар кенг жорий этила бошлади.

Шу билан бирга архивлар фаолиятида мураккаб автоматлаштирилган тизимлар ва ахборот технологияларини жорий этиш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар ва тажриба ҳам ушбу диссертация иши доирасида чуқур ўрганилди.

Ўрганиб чиқилган тадқиқот ишлари ва қўлланилаётган тажрибаларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулоса чиқарилди - Ўзбекистон Республикасида архив ишини автоматлаштиришнинг дастлабки босқичида Россия Федерацияси тажрибасидан фойдаланиш, сўнгра АКТ, электрон ҳукумат тизимини янада ривожланиши, архив соҳасини ахборотлаштириш даражаси кўтарилиши асносида Жанубий Корея тажрибасидан, архив ҳужжатларини тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шу билан бирга масофадан туриб архив ҳужжатлари асосида тадқиқотлар олиб боришда АҚШ Миллий архивлари ((NARA) тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Архивлар фаолиятини технологик таъминлашнинг усуллари, моделлари ва алгоритмларининг таҳлили**» деб номланган бўлиб тўртта бўлимдан иборат ва унда архив фаолиятини автоматлаштиришнинг асосий техник ечимлари муҳокама қилинади.

Архив муассасаларининг асосий вазифалари этиб архив ҳужжатлари қаерда ва қандай шаклда сақланишидан қатъий назар, архив маълумотиغا эҳтиёжи бўлганларни ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Архив маълумотларининг ҳаракат маршрутларини таҳлили асосида архив муассасаларидаги мегажараёнларнинг схемаси тузиб чиқилди ҳамда шу аснода архив муассасаларининг фаолиятини автоматлаштиришнинг функционал структураси ишлаб чиқилди (1-расм).


Архив муассасалариаро тақсимланган бошқарув тизимини, шунингдек улардаги давлат ва нодавлат архивларини мавжудлигини, уларнинг кенг спектрдаги фаолиятини, шу жумладан шаклланаётган ахборот ресурсларининг ўзига хослигини инobatга олиб «Ўзархив» Агентлигининг иерархик бошқарув тизимида автоматлаштирилган ахборот тизимларининг даражалар бўйича таснифланиши ишлаб чиқилди. (2-расм) ҳамда архивлар фаолиятини ахборот-ҳужжатли ва техникавий таъминлашнинг қуйидаги моделлари тақлиф этилди:

Ахборотни қидирув модели. Архив маълумотларини қидириш тизимини ташкил қилиш учун қуйидаги қидирув моделлари тавсия этилади: Манتيкий модел. вектор-фазовий модел ва эҳтимоллик модели. Қоида тарикасида, барча қидирув моделларида тизимнинг асосий хусусияти

хужжатларнинг барча маълумотлар базасидан аниқланган хужжатларнинг дозарблigni ҳисобланади $\{d_1, d_2, d_3, \dots, d_n\}$.



1-расм. Архив фаоллиятининг автоматлаштиришнинг функционал структураси.



2-расм. «Ўзархив» Агентлигининг иерархик бошқарув тизимида автоматлаштирилган ахборот тизимларининг таснифланиши.

У ҳолда хужжатларнинг тегишлилик индекси кирувчи сўрлов таркибидан атамаларининг нисбий пайдо бўлишининг йиғиндисини сифатида фойдаланиши мумкин («Т» термлар):

$$F = \sum_i \sum_j \rho_{ij} = \sum_i \frac{1}{N_i} \sum_j \{T(d_j)\} \quad (1)$$

Бунда: j -термининг i - тартиб ракамдаги хужжат таркибида учрашининг p_i - нисбийлик частотаси.

Архив сакловхоналаридаги микроклимни таъминлаш модели.

Мавжуд ҳолат ва нуфузли манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот асосининг саклови сифатига кўплаб омиллар таъсир қилади, хусусан иклим шароити (харорат ва намлик), тўғридан-тўғри қуёш нури тушини (ёки шунга ўхшаш катталиклар), хавонинг таркиби ва шу қабилар ҳисобланади.

Архив хужжатларини саклаш биноси - архив хужжатларини қайта ишлаш ва саклаш жараёни амалга ошириладиган чекланган ҳажмли бинолар тўплами ҳисобланади. Саклов жараёнида хужжатлар хонадаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлади. Умуман олганда, хужжатларини саклаш учун хавфсиз ва самарали шароитлар қуйидагилар билан таъминланади: ёнғинни автоматик ўчириш воситалари, хавфсизлик ва сигнализация ускуналари; кириш-чиқинини бошқариш тизимлари; бинода (сакловхоналарда) оптимал микроклим шароитларини яратиш.

Сакловхоналарда микроклимни яратиш учун ахборот моделининг соддашатирилган шакли 3-расмда келтирилган.

Архивнинг асосий вазифаси давлат, ташкилотлар ва фуқароларнинг ретроспектив ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Бу вазифани сифатли ташкил этишда архив ишининг функционал йўналишларини автоматлаштириш даражаси, архив ишининг турли иш жараёнларига замонавий автоматлаштирилган технологияларни ва ахборот тизимларини жорий этиш самарадорлиги энг муҳим омил ҳисобланади.



3-расм. Микроклимни шакллантирувчи омилларнинг ахборот модели.

Сўнги чорак аср давомида архив маълумотларига бўлган ахборотга бўлган талабнинг ўилаб марта тез ўсиши архив соҳасида ёки унинг маълум бир тармоғида янада истиқболли ахборот тизимини ишлаб чиқишни, жумладан сифатини назорат қилинида таъсирчан технологиялар ва тизимлар, хусусан «SMART Archive» (SA) технологияларидан фойдаланишни такозо этади.

Шу омилни ҳисобга олган ҳолда архив муассасарида саклаш хавфсизлигини таъминлаш йўналишида фойдаланиладиган интеграцияланган ахборот тизимлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрланди.

Учинчи «Архив фаолиятида метрологик қонда ва нормаларнинг методологияси» номи боб учта бўлимдан иборат бўлиб, унда архившунослик фанининг асосий хусусиятлари, илмий усуллари ва предмети, метрологик таъминот ва назорат объекти сифатида таснифланган хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳос бўлган бошқа йўналишлар билан ўхшаш томонлари ва архившунослик фанининг ўхшаш жиҳатлари муҳокама қилинади.

Архив фаолияти сегментидаги ҳужжатларнинг ҳаётий циклини тахлил ушбу циклнинг деярли барча босқичларида ўзига ҳос метрологик процедуралар мавжудлигини кўрсатди (4-расм).



4-расм. Архив ҳужжатларининг ҳаётий циклидаги метрологик жараёнлар.

Бирок, ҳавонинг термодинамик параметрларининг нормадан четлашсини оқибатларининг кайтарилмаслиги каби муҳим омил кўпинча эътибордан четда қолди. Бунда ҳарорат ва нисбий намликнинг белгиланган нормаларидан ҳар қандай оғиши ўз оқибатларини, ҳужжатдаги «чандиғини» қолдиради. Ушбу оғишларнинг яна бир ўзига ҳослиги - уларнинг салбий таъсирининг доимий равишда тўпланиши бўлиб, бу ҳатто ҳужжатнинг жисмоний асосини доимий равишда йўқ қилишга олиб келиши мумкин. Белгиланган иш режимидан четга чиққандан кейин ҳавонинг несеклик-намлик баланси тикланади, лекин ҳужжатнинг жисмоний (қоғоз) асосига зарарли таъсир қилиш натижасида емирилиши секин, лекин бир томонлама, кайтарилмас йўналиши динамикада бўлади.


Метрологик таъминот даражаси архив маълумотлари ва унинг жисмоний асосларининг сакланishi ва яхлитлигини таъминлаш билан боғлиқ архивларда бажариладиган жараёларнинг сифатига бевосита таъсир қилади.

Бу жараёларнинг кетма-кетлигини муайян технологик занжирга, хизматлар кўрсатишга ўхшаш деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, ушбу хизматлар Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида», «Метрология тўғрисида»-ги қонун ҳужжатлари ва бошқа тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, бир вақтнинг ўзида алоҳида маҳсулот ҳисобланади.

Ҳужжатнинг ҳаётий циклини барча босқичларидаги ўлчаш ва баҳолаш тартиб-қоидаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ушбу тартибларни ихтисослаштирилган метрологик таъминлаш нуқтан назаридан, Қонулаштирувчи ва амалий метрология, шунингдек бошқа фанлар нормаларига мувофиқ тизимлаштириш ва тартибга солишни белгилайди.

Ушбу борадаги тадқиқотлардан келиб чиқиб алоҳида - «Архивометрия» йўналишини киритиш таклиф этилмоқда.

5-расмда архивлардаги ишлаб чиқариш жараёнлари доирасида Архивометриянинг функционал вазифалари кўрсатилган.



5-расм. Архивометриянинг функционал вазифалари.

Бу вазифалардан келиб чиқадиги, метрологик муаммоларнинг ечимларини тизимли ёндашув асосида муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Бунда архив соҳасида техник регламентларни қўллаш катта аҳамиятга эга.

Тўртинчи боб «Архив соҳасидаги ўлчаш воситалари ва ўлчаш тизимларининг метрологик таъминоти» деб номланган ва ўрта бўлимдан иборат бўлиб, унда архивлардан ишлаб чиқариш жараёларини формаллаштириш, архив фаолиятига ҳос бўлган ўлчов вазифаларини амалга ошириш усулларини белгилаш нуқтан-назаридан кўриб чиқилган ҳамда

хужжатларнинг қимматлидигини текшириш жараёнларида ранжлаштириш ва шкжалаш усулларини қўллаш таклифлари ишлаб чиқилган.

Архивлардаги ишлаб чиқариш жараёнларини формаллаштириш нуктаи назаридан икки гуруҳга бўлиш мумкин: натижалари ўлчов асбоблари воситасида белгиланган бирликларда тақдим этиладиган ва ўлчов бирлигида кўрсатилмайдиган (масалан, архив ишининг сифатини баҳолаш, хужжатларнинг қимматлидигини текшириш ва бошқалар).


Метрологик нуктаи назардан, хужжатнинг қимматлидигини текшириш моддий бўлмаган миқдорни ўлчашга тенг бўлиб, тахминий тавсифларни олиш учун одатда эксперт жалб қилинади.

Шу билан бирга, хужжатнинг қимматлидигини амалдаги текширишдаги қўйидаги камчиликлар сифатенв экспертга сабаб бўлиши мумкин:

- хужжатнинг кейинги тақдирн эксперт сифатида жалб қилинган мутахассиснинг тажрибаси ва малакасига боғлиқ.
- натижалар миқдорда эмас, балки хулосалар шаклида ифодаланади.
- вақт ўтиши билан хужжатнинг қимматлидиги (ахамияти)нинг мумкин бўлган ўзгаришини ҳисобга олмайди.

Ушбулардан келиб чиқиб, қўйидаги ёндашувлар таклиф этилади.

Ранжлаштириш усулларини қўллаш. Бу ўрганилаётган объектнинг ахборот параметрининг (хусусиятининг) олинган ўртача қийматини хақиқийдан четланшини исбатно қилиш ёки минималлаштириш имконини берадиган тартиблани усули. 6-расмда хужжатнинг қимматлидигини текшириш жараёнида ранжлаштириш алгоритми кўрсатилган. Тахлил қилинадиган ва шу турдаги хужжатлар сонига, экспертлар сонига ва дубликат хужжатларга қараб, келтирилган ранжлаштириш турларидан бири экспертиза жараёнларида қўлланилиши мумкин.




6-расм. Хужжат қимматлидигини текширишда ранжлаштириш алгоритми.

Ранжлаштириш натижаларини қайта ишлаш ва тузиш ГОСТ ИСО 8587-2015 «Органолептический анализ. Ранжирование. Методология» стандартига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шкаллани усуллари қўллани. Моддий бўлмаган миқдорларни ўлчаш учун замонавий ўлчашлар назарияси ўлчов шкалаларини восита сифатида таклиф қилади.

7-расмда шкалланиш ва ранжлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда ҳужжатларнинг қимматлилигини текширишнинг умумлаштирилган алгоритми келтирилган.



7-расм. Ҳужжат қимматлилигини текширишнинг умумлаштирилган алгоритми.

Шкалланишда, ўзига ҳослик ва тартиб муносабатидан ташқари, фарқ аниқланади; бу эса улар устида арифметик амаллар бажариш имконини яратади.

Қуйида келтирилган 1-жадвал ва 2-жадвалда архив ҳужжатларини тартибланишда қўллашга тавсия этиладиган тартиб шкаласи ва қиймат шкалалари кўрсатилган. Бунда ҳужжатнинг қимматлилигини ҳар 20 балл билан 100 баллик шкала бўйича баҳолаш таклиф этилган. Ушбу ёндашув архив амалиётидаги 3 мезонли баҳолашдан (доимий сақланадиган, вақтинча сақланадиган ва йўқ қилинадиган) фарқли равишда, ҳужжатларни

архивларнинг тегишли тоифаларига янада мослашувчан тақсимлаш имконини беради.

1-жадвал.

Баллар	80-100	60-80		20-60		20дан паст
Архив тоифаси	Давлат архиви	Нодавлат архив		Идоравий архив		Репозитар саклов
Резюме						
Кимматдорлик чегаралари	0-80	0-60	0-60	0-40	0-40	0-20
Мезонлар	Мазмуннинг ноёблиги	Тарихий кимматлиги	Хақиқийлиги	Жисмоний ҳолати	Мазмуннинг бошқа ҳужжатларда такрорланиши	Келиб чиқиш

2-жадвал.

Ҳужжат кимматдорлиги шкаласи

Архив тоифаси	Давлат архиви	Нодавлат архив	Идоравий архив		Репозитар саклов	
Эксперт	Мезонлар					
	1	2	3	4	5	6
А	70	70	50	35	20	10
Б	80	50	40	35	10	5
В	90	60	30	35	30	5
ўрта	80	60	40	35	20	7

Ушбу усулнинг яна бир хусусияти анъанавий баҳолаш методологиясига кўра тўғридан-тўғри йўқ қилиш учун топширилган ҳужжатларни янада табақалаштирилган таҳлил қилишдир. Мисол учун, агар ҳужжатга 16 балл берилган бўлса, унда анъанавий ёндашувга кўра, тарихий аҳамиятга эга бўлмаган ва амалий аҳамиятга эга бўлмаган ҳужжатлар жисмоний йўқ қилинган. Таклиф этилаётган усул ҳужжатларнинг юқори даражасига чегара яқинида ўртача баллга эга бўлган бундай ҳужжатни йўқ қилишдан сақлашга имкон беради. Бундай ҳолларда сақлашнинг оқилона тури бундай ҳужжатларнинг электрон тасвирларини олиш ва уларни электрон ҳужжатлар репозиторийсида сақлашга ўтказишдир.

Шундай қилиб, ҳужжатларнинг кимматлилигини текширишда шкалалаш усулини қўллаш, вақт ўтиши билан ҳужжат кимматлилигининг (аҳамиятининг) мумкин бўлган ўзгаришини ҳисобга олиш имконини беради.

Бундан ташқари, кимматлилигини текширишда мезон шкалаларидан фойдаланиш анъанавий – «доимий сақлаш», «вақтинчалик сақлаш» ва «кейинчалик сақлашга тўғри келмайдиган» дан фарқли равишда, экспертиза

бўлганда кузатилади, яъни. ходим назарий билимларга (M_T) ва амалий кўникмаларга (M_P) тўлиқ эга бўлган тақдирда.

Компетентлик зонасини информатив ифодалашда **компетентлик зонасининг тақсимот коэффициентини (P)** деб номланувчи тушунчадан фойдаланилади ва унинг қиймати $0 \leq P \leq 1$ оралиғида бўлади.

$$P = \frac{L_k}{M_T + M_P}; \quad (1)$$

Компетентликнинг математик моделини назарий ва амалий тақсимот функцияларининг компетентлик зонасидаги юзаларнинг йиғиндиси сифатида тақдим этилиши мумкин:

$$\begin{aligned} Y &= \sqrt{(M_T - O_T)^2 - (X_T - O_T)^2} + \sqrt{(M_P - O_P)^2 - (X_P + O_P)^2} = \\ &= \sqrt{R_T^2 - (X_T - O_T)^2} + \sqrt{R_P^2 - (X_P + O_P)^2}; \quad (2) \end{aligned}$$

Хар иккала доираларнинг компетентлик зонаси билан чегараланувчи юзаси **ходимни компетентлигининг интеграл даражаси (Y_{int})** сифатида ифодаланади:

$$\begin{aligned} Y_{int} &= \int_{-X_{min}}^{X_{max}} (\sqrt{(M_T - O_T)^2 - (X_T - O_T)^2} + \sqrt{(M_P - O_P)^2 - (X_P + O_P)^2}) = \\ &= \int_{-X_{min}}^{X_{max}} (\sqrt{R_T^2 - (X_T - O_T)^2} + \sqrt{R_P^2 - (X_P + O_P)^2}); \quad (3) \end{aligned}$$

Ушбу методикадан архивнинг алоҳида йўналишлари бўйича кадрларни танлашда (хужжатнинг қимматлигини баҳолаш бўйича экспертлар, фонд сакловчилар), шунингдек, республика ва ҳудудий архив муассасаларида, жумладан, архивларда раҳбар лавозимларга тайинлашда ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

Бешинчи «**Архив фаолиятини ахборот-хужжатли таъминлаш усуллари ва моделларини тизимли жорий этиш**» деб номланган боб тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда юқоридаги муаммоларнинг аниқ натижалари ва ечимлари, ишланмаларнинг тузилмалари ва асосий тавсифлари ҳамда ишлаб чиқилган ахборот воситалари ва технологиялари кўриб чиқилган.

Хужжатларнинг саклов хавфсизлигига салбий таъсир омилларининг тахлили архив хужжатларини саклаш ва архивларга кириш юзасидан белгиланган параметрларнинг бузилишлари ва жиддий оғишлари тўғрисида хабардор қилишнинг паст даражада эканлигини кўрсатди. Ҳароратнинг хавfli кўтарилиши, тугун пайдо бўлиши (ёнғиндан олдинги белгилар), юқори намлик ва архивга руҳсатсиз кириш каби ҳолатларни кечикиш хабардор қилинишининг оқибатлари маълум.

Архивларнинг яна бир вазифаси архив ходимларининг ҳамда ташриф буюрувчиларнинг (тадқиқотчилар) архивга ташрифларини автоматлаштирилган ҳисобини юритиш ва назорат қилишдан иборат.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, архив хужжатларини саклаш хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, шунингдек рақамлаштиришнинг аниқ муаммоларини ҳал қилиш учун бир қатор интеграциялашган тизимлар ишлаб чиқилди ва ИТТХ МА да архивларга жорий этилди.

Интеграциялашган ахборот-ўлчов тизими. Тизим архивлардаги тегишли параметрларни комплекс назорат қилиш ва ҳисобга олиш, архивга киришлар назоратини техник, дастурий ва ўлчовлар воситасида таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, еттига кичик тизимдан иборат (9-расм).

Барча қуйи тизимлар алоҳида модуллар сифатида ягона техник платформага бирлаштирилган. Қуйи тизим модуллари объект бўйича ҳам, тақсимланган ҳолда ҳам ишлайди, бу эса улардан корпоратив мақсадларда фойдаланишга имкон беради.



9-расм. Интеграциялашган ахборот-ўлчов тизимининг функционал схемаси.


Микроклиматнинг ўлчов параметрларини қўзатиш ва назорат қилиш модули. Ушбу модулниң алгоритми 10- расмда кўрсатилган.

Архив биносининг ҳар бир каватида ҳарорат (Т), намлик (G), сув оқиниш (W), ёруғлик (F), хаводаги не газни миқдори (P) ва объектга яқинлашиш сенсорлари (L) ўриштирилган бўлиб, уларнинг сигналларини бошқариш умумий контроллерлар блоки (БК) орқали амалга оширилади.

Ҳар бир назорат қилинадиган параметрда ушбу параметрнинг белгиланган иш режими кийиматини бошқарувчи тегишли бошқарув блоки мавжуд. Шу билан бирга, ҳарорат ва намликни ўлчаш каналлари кондиционер тизимига (СКВ) уланган бўлиб, у ушбу параметрларнинг керакли кийиматларининг иш диапазонини сақлайди.

Ушбу кийиматлар белгиланган даражадан жиддий оғиш бўлса (масалан, хона ичидаги ҳаво ҳарорати 55°C дан юқори бўлса ёки сув оқиниш sensori датчикларга яқин жойда оз миқдорда сув пайдо бўлганда), хабар бериш тизими (СУ) ишга туширилади ва у автоматик равишда маъсул архив ходимининг ёки бошқа ихтисослашган муассасанинг тегишли мобил рақамига СМС орқали хабарнома сигналларини юборади.

Тизим бир вақтнинг ўзида 8 та қабул қилувчига СМС юбориш имконини беради.



10-расм. Микронклимининг ўлчов параметрларини назорат қилиш алгоритми.

Алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон суғурта фондини яратиш ва юритиш тизими (ИССЭЖ). Республика давлат архивлари тизимида 90-йилларнинг бошидан буён алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларнинг суғурта нусхаларини яратиш бўйича ишлар тўхтаб қолган.

Алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларнинг архив маълумотларини кафолатли сақлашни таъминлаш мақсадида 2007 йилда ёруғлик мосламалари билан тўғридан-тўғри алоқа қилмасдан ишлайдиган, фотографияга асосланган китоб сканери ишлаб чиқилди (11-расм).




11-расм. ИССЭЖнинг умумий кўриниши.

ИССЭЖни марказий ва бошқа бош архивларга жорий этиш натижасида 2008-2010 йиллар давомида алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларнинг электрон тасвири кўринишидаги суғурта нусхаларини яратиш қайта йўлга

қўйилиб, алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатлар архив фондларининг қарийб 50 фонзи рақамлаштирилиб, уларнинг суғурта нусхалари яратилди.

Архивлар фаолиятини мониторинг қилиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган марказлашган ахборот тизими. Ушбу ахборот тизими ИТТХ МАда жорий этилиб, архивлар фаолиятини онлайн мониторинг қилиш, натижаларни жадвал ва график кўринишда тақдим этиш, сўровларни автоматлаштирилган ҳисобга олиш, архивларнинг бугунги ҳолати тўғрисида тезкор маълумот олиш, архив ҳужжатларининг тўғри сақланишини назорат қилиш имконини беради (12-расм).



12-расм. Давлат архивлари фаолиятини онлайн мониторинг қилиш.

Кейинги босқичларда мазкур тизим архив ҳужжатларининг хавфсиз сақловини таъминлаш мақсадида архив фаолиятини комплекс ва тўлиқ мониторинг қилиш, назорат қилиш ва бошқаришни таъминловчи «Смарт архив» яхлит автоматлаштирилган тизимини яратиш ва жорий этишининг асосий платформаси бўлиб хизмат қилади.

